



I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 9816,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 103,7 фоизга тенг бўлди.

Иқтисодийнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,3 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши (20,7 фоиз), саноат 106,5 фоиз (37,7 фоиз), қурилиш 100,1 фоиз (7,9 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 98,5 фоиз (7,9 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 104,5 фоиз (6,1 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 103,1 фоиз (19,7 фоиз) ни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-июнь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар соҳаси

2018 йилнинг январь-июнда ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 33,7 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 2,9 пунктга камдир (36,6 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 1,2 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 6,1 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 7,9 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь-июндаги 20,8 фоиздан 2018 йил январь-июнда 19,7 фоизга ўзгарди.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 51,4 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди.

Январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	7566,8	9816,6	103,7
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7123,9	9147,8	103,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	442,9	668,8	104,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7123,9	9147,8	103,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1364,9	1896,0	102,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3147,3	4167,5	105,3
саноат	2551,8	3445,4	106,5
қурилиш	595,5	722,1	100,1
Хизматлар	2611,7	3084,3	102,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	607,3	722,5	98,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	517,1	558,5	104,5
бошқа хизматлари	1487,3	1803,3	103,1